



# MAVZU

TA'LIM SIFATI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA XALQARO  
TAJRIBADAN FOYDALANISH: MUAMMO VA YECHIMLAR

---

# TEMA

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ОПЫТА  
В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ:  
ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

---

# TITL

USING INTERNATIONAL EXPERIENCES IN QUALITY OF  
EDUCATION: PROBLEMS AND SOLUTIONS





УДК: 355.4(78.15)

**Таълим сифати самарадорлигини оширишда халқаро тажрибадан фойдаланиш: муаммо ва ечимлар** мавзусидаги халқаро илмий-амалий офлайн/онлайн конференция материаллари тўплами, 2-том, 2021 йил 19 октябрь (Харбий фанлар доктори, профессор, полковник С.С.Абдурайимовнинг умумий таҳрири остида). – Чирчиқ.: Чирчиқ ОТҚМБЮ, 2021.-880 б.

**“Таълим сифати самарадорлигини оширишда халқаро тажрибадан фойдаланиш: муаммо ва ечимлар”** мавзусидаги халқаро илмий-амалий офлайн/онлайн конференция тўпламига талабалар, магистрантлар, илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган изланувчи ва тадқиқотчилар, мазкур соҳа мутахассислари ҳамда профессор ўқитувчиларнинг илмий ишлари киритилган.

Ушбу илмий-амалий офлайн/онлайн конференциянинг асосий мақсади ўқитишнинг анъанавий ва замонавий инновацион усуллари, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти ҳамда илм-фан ютуқларидан фойдаланишни жорий этиш, олий ҳарбий таълим муассасаларида табиий-илмий ва ҳарбий-касбий фанларни интеграциялаб ўқитиш механизмларини яратиш, таълим сифати самарадорлигини оширишда халқаро тажрибадан фойдаланиш ва курсантлар билимини назорат ва мониторинг қилишнинг ўзига хос усуллари ишлаб чиқиш бўйича тажриба ва маълумотлар алмашишдан иборат.

Бу эса ўз навбатида ҳарбий таълим профессор-ўқитувчиларининг олий ва хориж таълим муассасалари ўқитувчилари билан ўзаро ҳамкорлик ишларини кенг йўлга қўйиш, офицер кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим-тарбия ишлари тизимини янада такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларининг касбий-илмий салоҳиятлари, педагогик маҳоратларини оширишга хизмат қилади. Келгусида ушбу тўплам материалларини илмий-педагогик фаолиятда қўллаш баробарида, илмий изланувчи тадқиқотчи ҳамда магистрантларнинг илмий изланишларида фойдали манба бўлади деган умиддамиз.

Таҳрир хайъати: Отаматов М., подполковник  
Ворисова Р., к.ф.н., ҚҚ хизматчиси

Ҳалимов Э., доцент ҚҚ хизматчиси  
Абдувоҳидов Ф., катта ўқитувчи, ҚҚ хизматчиси  
Халилаев Б., ўқитувчи, ҚҚ хизматчиси  
Сулейманова А., III-даражали сержант





## MUNDARIJA

<b>ISLAMOVA M.SH., RO‘ZIYEVA D.B., MIZOMOVA G.A.</b> Kimyo darslarida harbiy kadrlar kompetentligini oshirish usullari.....	14
<b>ЧАРИЕВ Б.Р.</b> Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлар тизимида малакали кадрлар тайёрлашнинг зарурати.....	18
<b>ЭРНАЗАРОВА Ё.О.</b> Олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳарбий хизматчилар касб маданиятини такомиллаштириш.....	22
<b>КОЗИМОВА Д.А.</b> Иқтидорли ўқувчиларни тарбиялашда ўқитувчининг педагогик маҳорати.....	25
<b>МЕКАМБАҲҲЕВ В. А.,JURABAYEVA M.M.</b> Harbiy ta’lim rivojlanishining asosiy muammolari va ularni yechish yo‘nalishlari.....	26
<b>ОЛИМОВ Т.Х.</b> Ихтисослаштирилган мактабларда иқтидорли ўқувчиларни танлаш ва улар билан ишлаш.....	29
<b>СУЛТАНОВ Н.Ф.</b> Проблемы развития высшего военного образования.....	30
<b>БЕРДЮГИН И.А.</b> Высшее профессиональное образование – глобальные вызовы третьего тысячелетия.....	32
<b>ШЕВЕЛЁВ А.А.</b> Целесообразность и пути повышения самообразования курсантов в высшем военном образовательном учреждении.....	35
<b>СЕЙТИМБЕТОВА Г.А.</b> Компетенциявий ёндашув асосида физика ўқитиш жараёнида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш (Нофизик бакалавр йўналиши мисолида).....	37
<b>ЎРОЗБОЕВ Н.У.</b> Бўлажак ўқитувчиларда маъсулиятлили ва ташаббускорлик фазилатларини ривожлантиришнинг назарий таҳлили.....	39
<b>ИСЛОМОВ Ш.,ЭРГАШЕВ А</b> Салоҳиятли ҳарбий-ходимларни тайёрлашда ижобий таъсир кўрсатадиган айрим жиҳатлар хусусида.....	41
<b>ARABBOEV M.M.,BEGMATOV SH.A., NOSIROV KH.KH., SHAKHOVIDDINOVA.SH.</b> Modern military robots: a survey.....	44
<b>ARABBOEV M.M.,BEGMATOV SH.A., NOSIROV KH.KH., HAKHOVIDDINOVA.SH.</b> Review on unmanned aerial vehicles .....	48
<b>KHAZRATOVA K.M.,DJURAEV SH. T.</b> Implementation of innovative forms and methods of development experience in the training process.....	53
<b>QORAVOYEVA SH.</b> The role of mistakes in teaching second language.....	59
<b>BEKTURDIYEVA SH.S.</b> The importance of english language in military training institutions and need to new curricula .....	61
<b>НОРМЕТОВ Т.</b> Гегемон давлатлар томонидан халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларининг ҳарбий тўқнашувлар даврида бузилиши: халқаро тажриба ( <i>Ливия мисолида</i> ).....	64
<b>XASONBOYEV В.</b> Harbiy ta’lim jarayonida interfaol metodlarni qo‘lash – ta’lim mazmunining tarkibiy qismidir .....	66
<b>OMONTURDIYEVA M.</b> Tarbiyada qadriyatlarining ahamiyati.....	67
<b>KARIMOVA B.X.</b> Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarida milliy g‘ururni shakllantirish.	70
<b>XUDOYQULOV N.</b> Milliy qadriyatlar va mashhur tarixiy shaxslar o‘quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash vositasi .....	72
<b>XAYITOV J.X.</b> Bo‘lajak texnologiya fani o‘qituvchilarida kreativlikni rivojlantirishning ba’zi jihatlari.....	74
<b>NURMAMATOV Z.SH.</b> Bo‘lajak texnologiya fani o‘qituvchilarini innovatsion faoliyatga tayyorlash texnologiyasi.....	76
<b>XOLIKOV N.T.</b> Harbiy ta’limning mohiyati.....	78
<b>NIGMATOV Z.Z., SOYIPOVA M.Z.</b> Harbiy kadrlarni tayyorlash tizimini takomillashtirishda “ustoz-shogird” munosabatlarini shakllantirishning ayrim jihatlari.....	80





<b>RAXMATJANOV O'D.</b> Talim sifati va samaradorligini yaxshilashda rivojlangan mamlakatlar tajribasini amalga tadbiiq etish.....	82
<b>ЭШКУВВАТОВ Ш.Н., МАХМУДОВ Н.А., УЛАШОВ Ж.З.</b> Аннигиляция позитронов в иттриевых сверхпроводящих керамиках, изготовленных различными методами.....	85
<b>ТОJIYEVA N.E.</b> Ta'lim samaradorligini oshirishda pedagogik metodlarning ahamiyati.....	86
<b>ХОЛИҚОВ И.Р. АМАНОВ Ғ.М.</b> Ҳарбий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.....	91
<b>ИСМАИЛОВ М.К.</b> Талабалардасаногентафаккурниривожлантиришнинг рефлексив технологиялари.....	95
<b>RASULOV A.U.</b> Teaching Grammar Through Communicative Approach.....	100
<b>АТОЕВА М.Ф.</b> Таълим сифатини оширишда педагог компетентлигини ривожлантириш йўллари.....	103
<b>САЛОМОВ Ғ.Ю., ҒАНИЕВ Ҳ. Й.</b> Тарбиявий соатларни инвариант ва вариатив усулларда ташкил қилиш ва ўтказиш.....	106
<b>САИДОВА Р.М.</b> Ҳарбий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш.....	107
<b>АХМЕДОВ Н.К.</b> Alohida xorij davlatlari qurolli kuchlar harbiy xizmatchilarini tarbiyalash tizimi.....	109
<b>ТЎРАЕВ Ш.Ф.</b> Мустақил таълим ўқитишнинг самарали усули.....	113
<b>ИСМАИЛОВ Д.Т.</b> Нутқий маҳоратни ривожлантириш орқали ҳарбий хизматчиларни эргаштириш.....	115
<b>QALANDAROV E.Q. XUSHVAQTOVO'N.</b> Umumiy o'rta ta'lim maktab fizika o'qituvchilari oldida turgan dolzarb muammolar.....	118
<b>RUZIEV M.G'., SAPAROV A. Y.</b> Ta'lim-tarbiyada tarixiy xotira va ona tilini qadrlash...	121
<b>ЗИЯДУЛЛАЕВ А.Ш., АМЕТОВ Э.С., КОБИЛОВ Ж.С., ЖУРАБОЕВ Н.И., ҲАМРОҚУЛОВ Ғ.Б.</b> Курсант ва тингловчиларнинг мустақил таълим вақтини ташкиллаштиришнинг асосий вазифалари.....	123
<b>KADIROVA M.M.</b> Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim texnologiyalaridan foydalanish yo'llari.....	126
<b>УЗОҚОВ А.М., НУРУЛЛАЕВ Л.Л.</b> Олий таълим муассасалари талабаларининг ватанпарварлик даражасини баҳолаш мезонлари.....	128
<b>ПУЛАТОВ Б.Ж.</b> Профессional кадрларни тайёрлаш устувор вазифа.....	132
<b>ISLOMOV M.U., DJANIKULOV SH.B.</b> Ta'lim sifati samaradorligini oshirishda yapon ta'limi tajribasidan foydalanishning yutuq va kamchiliklari.....	133
<b>MOVLANOV A.S.</b> Texnika fanlarini o'zlashtirishda foydalaniladigan adabiyotlar roli.....	135
<b>АХМЕДОВ Э.Э.</b> Ҳарбий педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйилаётган замонавий талаблар.....	139
<b>БЕКНАЗАРОВ А.А., МАМАРАУФОВО А., ТОЖИБОЕВД.Ё.</b> Ватан – муқаддас, уни химоя қилиш шарафли бурчдир!.....	142
<b>ҒАНИЕВА С.</b> Ҳарбий таълим-тарбия – келажак подевори.....	146
<b>МАМАРАУФОВО А., БЕКНАЗАРОВА А., ТОЖИБОЕВД.Ё.</b> Миллий маънавият юксалишида мафкуранинг ўрни.....	150
<b>МАМАТҚОБИЛОВ Т.Д. ҲАЙДАРОВ Қ., ТОЖИБОЕВД.Ё.</b> Ватан – муқаддас, уни химоя қилиш шарафли бурчдир!.....	151
<b>КАРИМОВ Б.Т.</b> Таълим ва тарбия методикасининг замонавий йўналишлари.....	155
<b>БЕКНАЗАРОВ А.А., ТОЖИБОЕВД.Ё., ДЖАМАЛОВ Х. Т.</b> Мудофаа тизимида маънавий – маърифий ишларни самарали ташкил этиш омиллари.....	157
<b>ТОЖИБОЕВД.Ё.</b> Янги ўзбекистон тараққиётида ёшлар сиёсати.....	159





Assotsiatsiya mantiqiy bog'liqlik bo'lib, sezgilar, tasavvurlar, idrok qilish, g'oyalar va boshqalar orasida hosil qilinuvchi mantiqiy aloqadir. Zanjirlash (muayyan tartib) ahamiyati, muhimligi, mazmuni darajasiga qarab tartiblash.

### Xulosa

Pedagogik metodlarning o'z o'rnida ya'ni o'quvchilarning, talabalarning yohud kursantlarning yoshiga, yo'nalishiga va harbiy bo'linmalariga asoslangan holda qo'llanilishi ta'lim sifatini sezilarli darajada oshiradi. Ta'limda metodlarning qo'llanilmasligi yoki noo'rin qo'llanilishi oqibatida o'quvchining ushbu fandan zerikishi, qiziqishlari pasayishiga olib kelishi mumkin. Aksincha ta'limda metodlar muvaffaqiyatli qo'llanilganda o'quvchida fanga qiziqish uyg'otib, kelajakda aynan shu fan orqali yutuqlarga erishishiga ishonch uyg'otadi, tez va oson shu mavzularni o'zlashtirib oladi hamda metodlar orqali ta'limga o'qishga kitobga muhabbat bilan bog'lana oladi. Hozirgi axborot texnologiyalar jadal rivojlanib borayotgan davrda katta hajmli ma'lumotlarni qabul qilish o'quvchida birmuncha qiyinchiliklar tug'diradi. Shu boisdan o'qituvchi dars jarayonini qiziqarli o'yin, savol javob va turli tarzda interfaol metodlar orqali shakllantirishi o'quvchining ma'lumotlarni tez va oson tushunishini ta'minlaydi. Muxtasar qilib aytganda metod har bir soha vakilining mashaqqatini ozaytirib faoliyatini yengillashtiruvchi bir usuldir.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. DTS va o'quv dasturi 6 maxsus son.T.1999
2. Tolipov U. Pedagogik texnologiyalar T. 2005
3. Eshmuratov M. Innovatsion texnologiyalar. T.2011 16. Abdulkarimov H., O. Suvonov. Umumiy pedagogika: texnologiya va amaliyot. – T.: o'quv-metodik qo'llanma. 2012
4. Bo'ronova Sh. Ona tili darslarida interfaol metodlardan foydalanish. Uzluksiz ta'lim. 2004. №3, 23-28 b.
5. Ergashev R., Boltaboyeva A. Boshlang'ich sinflarda ta'limning interfaol usullari / Boshlang'ich ta'lim mazmunini optimallashtirishning ilmiy-amaliy muammolari mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari to'plami. Qarshi, 2014.
6. Holiqov E. Interfaol usullar / Ma'rifat, 2004. 17-son.
7. Husanboeva Q. O'qitishning zamonaviy metodlari va adabiy ta'lim. Til va adabiyot ta'limi. 2003. 2-son. – 19-23 b.
8. Mamatqulova R. Interfaol usul: bahs-munozara. Xalq ta'limi. 2004. 1-son. - 26-39 b.
9. Mavlonova R., Vohidova N., Rahmonqulova N. Pedagogika nazariyasi va tarixi. - T.: "Fan va texnologiya", 2010. 195-199, 272-276-betlar
10. Tolipov O'Q., Usmonboyeva M. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari. - T.: "Fan", 2006.
11. Yunusova Sh. Interfaol usullardan foydalanish. Boshlang'ich ta'lim. 2004.

### Internet materiallari:

1. www.tdpu.uz
2. www.pedagog.uz
3. WWW.adpima.com
4. WWW.iet.mesi.ru
5. WWW.sciontologu.org.ru
6. www.bilim.uz
7. www.gov.uz
8. <http://books.google.co.uz/books/S.K.Mangal>

## ХАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Холиқов Ихтиёр Розикович,*

*Аманов Фуломжон Маҳмудович,*

*Бухоро давлат университети ҳарбий таълим факультети ўқитувчилари*

**Аннотация.** Мазкур мақолада мамлакатимизда мавжуд ҳарбий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш тизимининг ҳозирги ҳолати. Тизимда учраб турадиган камчиликлар ҳамда тизимни такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳақида сўз юритилади.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается система подготовки кадров в военных учебных заведениях нашей страны. Имеющиеся недостатки а также предложения по совершенствованию системы подготовки военных кадров.





**Annotation.** This article examines the system of personal training in the military educational institutions of our country. The existing shortcomings as well as proposals for improving the system of training military personal.

**Калит сўзлар:** ҳарбий кадрлар, тизим, вазият, жараён, таъминот, савия, профессор-ўқитувчи, хавф-хатар, таҳдид.

**Ключевые слова:** военные кадры, система, обстановка, процесс, обеспечение, уровень, профессор-преподаватель, опасность, угроза.

**Keywords:** military personal, system, situation, process, support, level, professor-teacher, danger, threat.

*Миллий армиямизнинг куч-қудрати, азму шижоатли ва ҳар ишда етук салоҳиятли ҳарбий хизматчиларимизнинг, бағрикенг ва олижаноб халқимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигидадир. Бу ҳақиқатни бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этмоқдамиз.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони  
Ш.Мирзиёев

Янги минг йиллик, нанотехнологиялар, ақлли интеллект каби тушунчалар билан бирга қуролли тўқнашув ва можароларнинг гибрид турларини ҳам олиб келди. ХХI-асрга келиб мафкуравий полигонлар, ядро полигонларидан қудратли эканлигини яна бир бор гувоҳи бўлаяпмиз. Жаҳонда мафкуравий курашлар кескин тус олиб, ахборот маконида турли хавф-хатар ва таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда, барчамиз доимий огоҳ ва сезгир, фаол фуқаролик позициясига эга бўлишимиз керак. Бугун дунёнинг олис ва яқин минтақаларида мураккаб можаро ва тўқнашувлар давом этаётган бир пайтда мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифалар сирасига айланиб бормоқда.

Қўшни қардош давлат, Афғонистонда содир бўлаётган мураккаб ва таҳликали жараёнлар, барчамизни огоҳликка даъват этади. Фаровон турмуш тарзи, миллат равнақи, халқнинг осойишталиги унинг мудофаа салоҳияти билан бевосита боғлиқдир. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, шу жумладан мамлакат мудофаа қудрати билан ҳам ҳамоҳангдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш.Мирзиёев, Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан байрам табригида хусусан шундай дейди: “Мудофаа қобилиятимизни мустаҳкамлаш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, бўлинмаларни бошқаришда ахборот технологияларини кенг қўллаш, жанговар тайёргарлик ва касбий маҳоратни ошириш – бундан кейин ҳам устувор вазифаларимиз бўлиб қолади”.

Қисқа вақт ичида, Қуролли Кучларимиз тизимида кенг қўламли ишлар амалга оширилди:

-ҳарбий қурилиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича энг муҳим ва устувор йўналишларни белгилаб олинди;

-янги Мудофаа доктринаси қабул қилинди;

-ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта кўриб чиқилди;

-қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди;

-армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилди;

-Қуролли Кучлар академияси замонавий кўринишда янгидан барпо этилди;

Миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши муносиб зарба бера оладиган, эл-юрт таянчи ва суянчига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик ва садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланди.

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимида ҳукумат даражасида олоҳида эътибор берилиши, армиямиз сафларини юқори салоҳиятга эга кадрлар билан таъминлашни кафолатлади.

Ҳарбий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, Қуролли Кучларни таркибини ўз касбини севадиган, профессионаллик даражасига эга,





ватанпарварлик руҳида тарбия топган, ҳар қандай вазиятда Ватан учун жонини фидо қилишга тайёр ватан ҳимоячисини тайёрлаш назарда тутилади.

Бўлғуси офицерларни тайёрлашда қўйилган хато ва камчиликлар, ўз навбатида қисм ва бўлинмалардаги сержант ҳамда оддий аскарлар жанговар шайлигига, уларни жанговар вазиларни бажаришларига салбий таъсирини кўрсатади.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш эса, ҳарбий билим юртида фаолият олиб боровчи профессор-ўқитувчилар ҳамда бошқарув органларининг профессионаллик даражасини ошириш орқали амалга ошириш мумкин.

Охирги йилларда бу борада бир қатор амалий ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳарбий олий таълим муассасаларининг ўқув моддий базаси янги замонавий воситалар билан таъминланди, ўқув лаборатория хоналари керакли ўқув жиҳозлар билан жиҳозланди.

Курсантлар амалий кўникмаларни нафақат тренажёрларда балки янги замонавий курол – аслаҳа ва техника намуналарида олишга киришдилар. Бу ўз навбатида Куролли Кучларимиз таркибига замонавий билимларга эга кадрлар етиштириш салоҳиятига ижобий таъсир этиб келмоқда.

Энг муҳими, ҳарбий билим юртларидан юқори методик ва жисмоний ҳамда саф тайёргарлигига, бўйсунувчиларни ўқитишнинг турли техникаси ва услубларига эга бўлган профессионал-офицер битирувчиларнинг чиқишидир.

Миллий армиямизнинг тузилиши, мамлакатимиз мустақилликка эришиши билан шакллана борди. Армиянинг ривожланиши, мамлакат иқтисодиёти билан бевосита боғлиқ жараён ҳисобланади. Иқтисодиётимиз учун ўтиш даври ҳисобланган 90-йиллар армиямизга ҳам бевосита таъсирини кўрсатди. Миллий армиямиз шаклланиш йилларида миллий кадрларга бўлган эҳтиёжни юзага келтирди. Ҳарбий таълим муассасаларимиз миллий армиямиз учун кадрлар етиштириб беришни бошлади. Олий ҳарбий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш тизимида бир қанча ишлар олиб борилишига қарамасдан, бугунги кунда ҳали ҳам ечимини кутаётган вазифалар бу борада мавжуд.

***Ҳарбий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни тақлиф қилиш мумкин:***

Олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларни тайёрлаш, ўқув жараёнларини ҳозирги кунда дунёнинг турли нуқталарида содир этилаётган куролли тўқнашувлар ҳамда информацион мафкуравий таҳдидлар талабларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинишини;

Профессор-ўқитувчилар томонидан курсантларни ўқитишда замон талабига мос содда ўқитиш методларининг қўлланиши;

Таълим тизимида замонавий информацион технологияларни қўлланиши;

Профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантиришда шаблон метод (юқори қўмондонлик буйруғига асосан) орқали эмас, балки, педагогик маҳорати мавжудлиги, ўқитувчига қўйиладиган талаблар асосида, ўқитувчиликка талабгорларни бевосита танлов йўли орқали танлаб олиш ўқув жараёни самарадорлигини оширади;

Ўқув жараёни учун моддий таъминотни (ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқалар) тўла тўқис амалга ошириш орқали;

Курсантларнинг ҳарбий қисмларда амалиёт (стажировка) ўташ жараёнига алоҳида эътибор қаратилиши. Юзаки, шунчаки курсантларга тавсиянома ёзишлардан воз кечиб, курсантларда аниқланган камчиликлар ҳаққоний равишда билим юрти қўмондонлигига тақдим этилиши. Аксарият ҳолларда амалиёт раҳбарлари ҳамда ҳарбий қисмлардан тайинланган амалиёт ўташ учун жавобгарлар, амалиёт ўтаётган курсантларнинг хато ва камчиликлари ҳамда қайси йўналиш бўйича билим савияларининг саёзлигини кўрсатмасликка ҳаракат қилишлари оқибатида билим юртига юбориладиган тавсиялар шаблон тарзда тузилади. Бу ўз навбатида бўлажак офицер кадрларни тайёрлаш тизимига ҳеч қандай фойда бермайди;





Дастурларга замон талаблари асосида билим юрти профессор-ўқитувчилари томонидан ўзгартириш киритилиши ҳамда босқичма-босқич тайёрлаш тизимига амал қилиш;

Билим юрти профессор-ўқитувчиларига ҳар бир машғулотга тайёргарлик кўриш учун кенг имкониятлар яратиб бериш (барча кафедраларни интернет тармоғига уланиш, интернетдан фойдаланиш жараёнини соддалаштириш);

Билим юртида кўп йиллик педагогик стажга эга профессор-ўқитувчиларни ҳарбий хизматни давом эттириш учун қисм ва бўлинмаларга тавсия этиш, билим юрти бошлиғи билан келишилган ҳолда амалга оширилиши, тажрибали педагог ходимларни билим юртида олиб қолиш имконини беради.

Аксарият ҳолларда профессор-ўқитувчилар таркиби қисм ва бўлинмаларга ротация тарзида хизматни ўташ учун кетиб қолишлари натижасида ўқув жараёни самарадорлиги пасаяди;

Билим юрти профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор бериш ва илмий салоҳиятни кенг тарғиб қилиш, ҳар томонлама рағбатлантириш;

Ҳарбий билим юртига нисбатан шаблон тарзида қарашлардан воз кечиш. Билим юрти-билим даргоҳи, ёш авлодга билим берадиган маскан сифатида қараш ғоясини илгари суриш. Профессор-ўқитувчиларни мажбуриятларидан ташқари вазифаларга жалб қилиш ҳолатларини кескин қисқартириш;

Ривожланган давлатлар ҳарбий билим юртлари тажрибаларини ўрганиб бориш ва улар билан кенг ҳамкорликни амалга ошириш;

Профессор-ўқитувчилар таркибини, тегишли ҳарбий билим юртларига тажриба алмашиш ҳамда ўрганиш мақсадида қисқа муддатли чет эл командировкаларига юборишни йўлга қўйиш;

Машғулотлар жараёнида курсантларга нисбатан бошлиқ-бўйсунувчи принципида эмас билим олувчи ёш шогирд сифатида қаралиши, уларни ўз фикрларини мустақил равишда баён этишлари, курсантларни билим олишларига мотивация яратиш;

Жисмония тарбия ва спорт кафедралари базасида, жанг турлари тўғарақларини кенг жорий қилиб, спорт усталарини жалб қилиш;

Гуманитар, табиий, ижтимоий-иқтисодий фанларга билим юртига яқин жойлашган олий таълим муассасаларидан тажрибали профессор-ўқитувчиларни маҳорат дарслари, кўргазмаларни дарсларга жалб қилишни кенг йўлга қўйиш;

Билим юрти профессор-ўқитувчилари ҳамда курсантларни жалб қилган ҳолда, янги, ҳозирги замон талабларига мос ўқув қўлланма ва дарсликлар яратишни кенг йўлга қўйиш;

Ҳарбий билим юрти битирувчиларига қўйиладиган кваллификацион талабларни қайта кўриб чиқиш;

Билим юрти битирувчиларини ҳарбий қисм ва бўлинмаларда хизмат фаолиятларини олиб боришларини доимий мониторингини олиб бориш. Билим юртида олинган билимлар амалда қандай натижалар бераётганини доимий таҳлил қилиб бориб, ўқув жараёнига қандай ўзгартириш киритиш мумкинлигини аниқлаш;

Билим юртида нафақат мавжуд курол аслаҳа ва жанговар техникаларни ўргатиш балки, истиқболдаги техникалар ҳақида доимий равишда маълумот бериб бориш;

Республикамиз олий ҳарбий билим юртлари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш;

Профессор-ўқитувчилар таркибига битирувчиларнинг билим даражалари бўйича аниқ талабларни қўйиш;

Олий ҳарбий билим юртига абитуриентларни танлашга алоҳида эътибор қаратиш, юқори мотивацияли абитуриентларни танлашни кенг йўлга қўйиш;

Курсантларни мустақил билим олишларига ҳар томонлама йўл очиб бериб уларни мустақил изланишга қизиқтириш;







Курсантларда компетентлик қобилиятларини шакллантириш;  
Курсантлар билим, савия, маҳоратларини оширишда интерактив методларни кенг қўллаш;

Фанларни ўзлаштиришда когнитив мустақилликни ошириш;

Курсантларда янги билим олишга интилиш талабларини шакллантириш;

Машғулотлар жараёнида курсантларга воқеа ҳодиса ва жараёнларни тўғри таҳлил қилишни ўргатиш;

Курсантларнинг сиёсий жараёнларга, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга қизиқишларини ошириб бориш;

Мафқуравий таҳдидлар ҳақида кенг қамровли тушунчалар бериб бориш;

Хатога йўл қўйган курсантни фақат жазолаш орқали тўғри йўлга солиш мумкин деган догмадан воз кечиб, ўргатиш ва тарбия беришни кенг йўлга қўйиш.

Кадрлар тайёрлашни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий ҳарбий билим юртларида кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини жорий қилиш, малакали кадрлар тайёрлашни амалга ошириш учун пойдевор ҳисобланади.

### Хулоса

Ватан ҳимоячиси деган шарафли касб эгасини тайёрлар эканмиз, ёш авлодга ватанпарварлик, ростгўйлик, қасамёдига содиқ қолиш каби фазилатларни шакллантириб сингдиришимиз даркор бўлади. Зеро Ватан ҳимояси-муқаддас бурчдир. Бўлажак ватан ҳимоячиларининг таълим-тарбиясига эътибор, ватан ҳимоясига мустаҳкам пойдевор қўйилиши демакдир. Таълимга масъул ҳар бир шахс, ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараёнида, ҳар томонлама етук, кенг қамровли билимга эга, ўзгарувчан шароитларда нострандарт қарорлар қабул қила оладиган, бириктирилган бўлинмаларни моҳирона бошқара оладиган бўлажак ватан ҳимоячиларига таълим-тарбия бераётганини чуқур ҳис қилиши лозим.

### АДАБИЁТЛАР

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ш.М.Мирзиёевнинг 14-январь Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан табриги.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сонли фармони.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2019-йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли фармони.

## ТАЛАБАЛАРДА САНОГЕН ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ РЕФЛЕКСИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

*Исмаилов Муродулла Кахрамонович*

*Ўзбекистон Республикаси, Термиз давлат университети тадқиқотчиси*

[murodullaismailov89@mail.ru](mailto:murodullaismailov89@mail.ru)

**Аннотация** мақолада замонавий таълим-тарбия жараёнига нисбатан янгича ёндашув зарурияти ва унинг мазмунини тавсифлаб берилиб, рефлексив техника машқлари талабаларда соғлом тафаккур, ижобий фикрлаш қобилиятини, педагогик фаолиятда ўқувчилар билан муваффақиятли ишлашга доир зарур тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Рефлексия, Рефлексив таълим технологиялари, ижобий психологик муҳит, баҳолаш мезон, рефлексив доира.

**Кириш.** Замонавий жамият ҳаёти ўзининг динамиклиги, ўзгаришларнинг интенсивлиги, беқарорлиги ҳамда кескинлиги билан алоҳида хусусият касб этиб бормоқда. Мазкур ҳолат замонавий таълим-тарбия жараёнига нисбатан янгича ёндашув заруриятини ва унинг мазмунини ҳам тавсифлаб бермоқда. Бу эса, замонавий таълим жараёни самарадорлигини оширишда, баркамол шахсни тарбиялашда барча учун ўз хатти-ҳаракатлари, қизиқишлари, имкониятлари, фикрлаш одатларидан хабардор

